ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ФАКУЛЬТЕТИ

"Рўйхатга олинди"
№ 104
Ўқув ишлари бўйича декан
муовуни
_____________Қ.Мўйдинов
"27" январь 2010 й

5141100 – "Ўзбек тили ва адабиёти" бакалавр таълим йўналиши

VI курс 407- гуруҳ талабаси ***Ўктамов Нуриддин Эркинбой ўғлининг***

"Ҳозирги ўзбек адабиёти" курси бўйича

**"Шайтанат" асарида руҳият талқини"** мавзусида ёзилган

# КУРС ИШИ

Илмий раҳбар
_____________В. Аҳмедова

"Ҳимояга тавсия этилсин"
"Ҳозирги ўзбек адабиёти"
кафедраси мудири:
ф.ф.н., доц _________Т.Шермуродов
"27" январь 2010 й

**ТОШКЕНТ - 2010**

„Шайтанат" асарида руҳият талқини

Режа

1. Кириш. Тоҳир Малик ижоди ва бугунги кун ўзбек детективи.
2. Асосий қисм
2.1. „Шайтанат" асарида давр руҳиятининг бадиий тасвири
2.2. „Шайтанат" асарида образлар руҳияти

Хулоса.

Адабиётлар рўйхати.

Истеъдодли ёзувчи, адабиётшунос олим Раҳимжон Отаев ўзининг "Руҳий асос талқини" мақоласида "Оламдаги ҳамма нарса вақтдан қўрқади, вақт эса, эҳромлардан қўрқади", дейди. Бироқ олим ўзининг бу мақоласида фақат иншоотлар, қурилган осмонўпар бинолар-у, буюк иншоотлар хусусида гапирмоқчи эмас. Унинг бу ердаги мақсади бошқа эди. Олим шундай дейди:

"Биз бу ўринда аждодларимиз бунёд этган ва ҳозирда бунёд этилаётган шарбоқий иншоотлар хусусида эмас, ҳар бир инсон қалбида ўзига хос тарзда қад рословчи маънавият қасри, руҳият эҳроми хусусидадир. Ҳар бир инсон руҳияти ҳам шундай бир эҳромки, унга қиёслаганда Миср эҳромлари қаловини топиб терилган шунчаки харсанглар хирмонигина, холос. Зеро тошдек қаттиқ эмас, гулдек нозик инжа кўнгил мулки, қалб гавҳари, дил жавҳари, маънавият қасри, хуллас, энг умумлашма сўз бирикмаси билан айтганда, руҳият эҳромининг қирралари учта-тўрттагина эмас, баайни олмос қирраларидек беҳисоб, ранг-баранг, сержилва, мафтункор... Бир қирраси – андиша, бир қирраси–

тавфиқ, бир қирраси – иймон, бир қирраси – виждон, бир қирраси – диёнат ..."[1]

Аммо унинг бошқа қирраларида олим айтган эзгу фазилатлардан ташқари бошқа, яъни эзгу бўлмаган, банд қирлари ҳам бор. Зеро ҳеч бир одам гуноҳлардан ҳоли эмас. Зоҳир барчага кўринувчи вужуд, ўуё намоён бир суратдир. Ботин эса ҳар томонлама ривожланган замонамизнинг техникалари ҳам кўра олмайдиган, сирли бир сийратдир. Инсон қалби, инсон кўнгли турфа олам. Исломий китобларимизда қалб, ботин, кўнгил масалаларига, руҳият тарбиясига эътибор ниҳоятда катта бўлган. Зеро қалб бузуқлиги, кўнгил эгрилиги имоннинг сустлигидан далолат беради.

Абу Ҳомид Ғаззолий:

"Инсоннинг юраги, қалби мисоли кўп эшикли гумбазга ўхшайди. Гумбазнинг эшиклари кўп, ўз навбатида бу эшикдан кириб келадиган одамлар ҳам кўп бўлади. Бир эшикдан оқил одам кириб келади, битта эшикдан эса ёмон одамлар кириб келади. Бир эшикдан нияти бузилган одам кириб келса, бошқа бир эшикдан ҳидоятда тавфиқ топган одам кириб келади. Инсонни қалби бир гумбаз, мисоли кўп эшикли гумбаз,

лекин бу эшикка кириб келадиган одамлар ҳар хил бўлади. Қалб гумбазига кириб келадиган фикрлар ҳам ҳар хил бўлади. Яхши фикр ҳам кириб келади, ёмон фикр ҳам кириб келади. Ёмон фикрнинг кириши шайтоннинг васвасаси билан бўлади (идроксиз одамларга нисбатан). Инсонни қалби мисоли бир денгиз. Денгиз лойқалангандек инсон қалбининг ҳам лойқаланадиган жиҳатлари бор. Инсонни қалби мисоли бир тиниқ ойнага ўхшайди. Ойнага қараганда инсон ўзининг жамолини қандоқ кўрса, қалб билан олдинда турган инсоннинг кимлигини сезадиган ҳолатда ҳам бўласиз", - дея инсонни қалбига, юрагига ана шундай бир таъриф берган эканлар.

Ҳазрати Айюб алайҳиссалом бедаво дардга чалиниб, бутун аъзоларини қурт босиб кетганида фақат тил билан қалб бу касалликлардан мустасно қолади. Лекин қуртлар шу икки аъзога кетаётганда Айюб Алайҳиссаломнинг илтижолари туфайли Яратганнинг қудрати билан Айюб Алайҳиссалом дарддан халос бўладилар. Чунки тилга қурт тушса Яратганнинг зикрдан, унга қилинадиган ибодатдан айрилар, қалбга

қурт кирса — имондан айирмарди. Шунинг учун ҳам Оғзи остидан чиққан булоққа ювиниб, ҳам зоҳирий, ҳам ботиний дардлардан озод бўлган эканлар. Қалб иши, кўнгил иши, руҳият иши шу қадар мушкул масалаки, уни поклаш мушкул, ўрганиш ундан да мушкул, таҳлил этиш ундан да оғир масалалардан биридир.

Инсон руҳияти таҳлили, қалб кечинмалари, руҳий эврилишлар тасвири акс этган бадиий асарларни ҳар қандай замон ва ҳар қандай миллат адабиёти ҳеч иккиланмай тан олиши табиий ҳол ҳисобланади. Негаки, руҳият таҳлили ҳаққоний ва ишонарли, қолаверса, китобхон меҳрига сазовор бўлувчи самимий таҳлиллардан биридир.

Энг асосийси, бу дунёда азиз ва мукаррам қилиб яратилган инсон фарзандининг қалб тўзонини, уни қийнаган ёхуд шодликка тўлдирган омилларни саржисоб қилиш, ўрганиш, таҳлил қилишдан ортиқ тадқиқ йўқ ва илми адабнинг бош мезони ҳам айнан шу асносида кечади. Бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, инсон қалби ва кўнгли ўрганилиши мушкул бўлган муаммолардан биридир. Буни ҳеч қачон ёддан

чиқармаслик лозим. Шубҳасизки, лой кўчада кетаётган икки одамнинг босган қадамлари икки хил бўлгани каби уларнинг ўй кечинмалари, фикрлаш тарзларидан тортиб мушоҳада оқимлари ҳам фарқлидир. Аммо мана шундай мураккаб тарздаги бир жараённи, яъни инсон қалбининг таржимони бўлган адабиётнинг бу хизматларини таҳлиламай иложимиз йўқ. Бу борада Ҳазрат Навоийнинг „Наводир уш-шабоб" девонларида барча учун ёд бўлган бир байт бор:

Эл нетиб топсин мениким, мен ўзимни топмасам

Яъни эл менинг дардимни қандай англасин? Ахир мен ўзимни тополмаяпман, ўз қалбимни, ўз кўнглим истагини ўзим тушуна олмаяпман дейди. Ушбу вазифани, яъни кўнгилдаги бетизгин саволларга жавобни фақат ва фақат илми адабдан ўзга ҳеч бир соҳа инсон қалбига етарли даражада бера олмайди. Одатда аниқ фанлар оламдаги барча ҳодисаларни, умуман, барча нарсаларни асосан зоҳирий кўриниши, келиб чиқиш тарзи орқали баҳо бериб, уни илмий усулларда тадқиқ қилса, адабиёт

бўлса бу олам ва бошқа оламларнинг кешиб чиқишига ботиний нигоҳлар ила боқиб баҳо беради. Ҳеч бир соҳа адабиётчалик ҳаётнинг барча жабҳаларини кенг кўламда ёритганчалик кўрсатиб бера олмайди. Бу билан инсониятга дунёни янгича, ўз навбатида жа ўзгача сийратий нигоҳ, янгича тафаккур тадрижлари билан ёндашишга ўргатадики, адаб илмининг бу умидбахш тамойиллари унинг бошқа илмлардан улкан фарқини, башариятга бўлган улкан хизматлари билан фарқланади. Бундай ҳолатлар миллий адабиётимизда истиқлол йиллари самарали кечгани мақсадга мувофиқ амаллардан биридир. Моддий ҳаётдаги барча нарсалар худди дунёнинг фонийлиги каби улар ҳам боқий эмаслигини, бу нарсалар азиз ва мукаррам қилиб яратилган инсон фарзандларисиз мутлақо абас жанлигини яқин ўтмишимиздаги социреализм адабиёти ўзининг қулаш арафасига қадар ҳам сезмай келди. Аммо бу ҳолатларни миллий адабиётимиз кеч бўлсада англаб, истиқлол йилларидан кейин ўз ўзанига тушиб олди.

Оламдаги барча ҳодисалар замирида ҳақиқатга интилиш ётади. Жумладан, адабиётнинг ҳам. Бироқ у ҳақиқатга

физика ёки тиббиёт фани сингари кўз билан ушлаш мумкин бўлган сабабларy, шунга яраша услублар борасида эмас, балки, кўнгилда туғилиб-ўчиб, қайсидир шиддат билан талпинаётган табиий қудрат – буюк эҳтирос бағрида у ораси интилади"[1]

„Дунёдаги жамики фанлар ёпилиб қотилни ўлимга ҳукм этса адабиёт уни озод этишни ёқлаб чиқиши мумкин! Чунки устқурма соҳалари ичра ҳақиқатга энг яқин бора оладиган адабиёт, адабиёт бўлгандаги рост адабиёт – кўнгил адабиётидир! У кашф этади. Бироқ у қандайдир тоғу тошлар орасида беркиниб ётган маъданларни эмас, балки инсон бағрида яширинган оламларни очади."[2]

Ҳар бир одамнинг сурати, чиройли кўриниши бор. Лекин унга бермайдиган асл баҳо сийрат нуқтаи назаридан берилади. Ташқи кўриниш бирламчи ва ўз навбатида олдинги ҳамдир. Асл ва ҳаққоний мартлаrча баҳо ботинга, сийратга қараб берилади. Чунки кўнгил Аллоҳ мулки ва маскани эканлигини, уни тозаламай, ружни покламай туриб Ҳақ жамолига етишиш мумкин

1. Улуғбек Ҳамдам. Янгиланиш эҳтиёжи. Т.: „Фан" 2007 й.
2. Ўша асар. 15-бет.

эмаслигини, руҳият талқини бадиий адаб-
иётда юксак ўринларга лойиқлиги ва бу ҳолатларни миллий адабиётимизда акс этиб бораётгани кишини қувонтиради.

Даврлар ўзгариши, замонанинг жа тезкор суратларда ривожланиши натижасида инсоният шуури ҳам унга ҳамоҳанг тарзда эврилади. Бу борада бадиий адабиёт ҳам жамият ривож топгани сари турфа ўзгаришларга, янгиланишларга юз тутади. Насиб этган истиқлол туфайли ўзбек адабиёти жанр ва мавзу жиҳатидан катта ва самарали ўзгаришларга юз тутмоқда. Муҳими, адабиётга бир ёқлама, сиёсий қарашлар тузум билан биргаликда барҳам топди.

Жаҳон прозасининг шоҳ жанрларидан бири бўлмиш детектив адабиёт миллий адабиётимиз учун деярли янги жанр ҳисобланади. Ҳар бир воқеликнинг, ходисаларнинг ўзига хос тарздаги келиб чиқиш тарихи, ривожланиш ва тараққиёт босқичлари бўлгани каби бу борада детектив адабиёт ҳам мустасно бўлмагани ҳолда унинг ҳам ўзига хос йўсиндаги кечмиши мавжуд. Асосан бирор жиноий ишни мантиқий, қолаверса, фавқулодда ҳайратангиз ҳаку

кучи, беназир хулоса чиқариш санъати жиҳатидан саргузашт йўсинда фош этадиган асарлар маълум ҳисобланиши детектив адабиётнинг илк намунасини даставвал америкалик истеъдодли ёзувчи Эдгар Аллан По ўзининг XVIII аср (1841 йил) да ёзган „Морг кўчасидаги котиллик" номли асаридан сўнг асос солган бўлиб, китоб асосан детектив новеллалардан иборат бўлган. Кейинчалик „Морг кўчасидаги котиллик" асаридан сўнг ёзувчи 1842–1843 йилларда „Мария рожениг сири", 1844 йилда эса „Ўғирланган хат" сингари бир қатор детектив новеллаларни яратди ва ушбу новеллалар ўз даврида машҳур бўлиши билан бир қаторда детектив жанрнинг ривожи учун қўйилган пойдеворларнинг ибтидоси бўлди.

Инглизчада „очиш" маъносини англатувчи детектив сўзига адабиётшуносликка оид луғатларда шундай таъриф берилади.

„Саргузашт адабиётнинг бир тармоғи, сюжети асосида оғир жиноятларни очиш билан боғлиқ воқеалар ёзувчи асарларнинг умумий номи. Детектив адабиёт турли жанрга мансуб асарларни – ҳикоя, қисса, романларни ўз ичига оладики, бу унинг тематик жиҳатдан ажратилишини кўр-

санади. Шу боис ҳам адабиётшуносликка оид айрим ишларда, муомала адабиётида мавзу жиҳатидан детектив адабиётга яқин бўлган ҳарбий разведка, турли махфий хизматлар фаолияти ҳақидаги, шунингдек, бошқа кўплаб ўткир сюжетли, лекин бевосита жиноят қидирув билан боғлиқ бўлмаган асарлар ҳам детектив адабиётга мансуб саналади"[3].

Детектив сўзининг маъноси қуйидагича lotincha. detektio – фош этиш; ing. detekt – очиш, детективе – жосус сўзларидан олинган. Адабий истилоҳ сифатида ва Эдгар Понинг асарларидан кейин муомалага кирган. Жаҳон адабиётида детектив жанри деярли ўзининг ўз ўзанини топган жанрлар сирасига киради. Бу борада XIX асрда Европа ва Америкада кенг кўламда ривож топа бошлади. Е. Габорио (Франция), У. Коллинз, А.К. Дойл (Англия), А.К. Грин (АҚШ) каби ёзувчилар машҳур изқуварлар образларини яратганлар. XX асрга келиб детектив жанр АҚШ ва Англияда кенг тарқалди, тараққий этди. А. Кристи, Д.К. Честертон, Е.К. Бентли, Г.К. Бейли, А. Бракли, Д.С. Сейерс (Англия), Н. Марш (Янги Зеландия), Г. Леру, М. Леблан (Франция), С.С. Ван Дайн, Д. Ҳаммет, Е. Куин (АҚШ) каби ёзувчилар

---

[3] Д. Қуронов, З. Мамажонов, ... . Адабиётшунослик луғати. Т.: Академнашр, 2010 йил. 90-бет

XX аср жаҳон детектив адабиётининг етук намояндаларидан ҳисобланадилар.

2-жаҳон урушидан кейин детектив адабиёт янада ривожлана борди. Аммо бунда ифода йўсинидаги ўзгачалик юзага кела бошлади. Жумладан АҚШ ва Европадаги яширин ва сирли жиноятларни изқуварнинг мантиқий таҳлили орқали очувчи асарлар эмас, балки шу жиноятларни содир бўлишини, жиноятчиларнинг кечмиши ҳақидаги жиноятчи қаҳрамоннинг батафсил ҳикояларидан иборат қора романлар яратила бошлаган.

Юқорида таъкидлаганимиздек жаҳон детектив адабиёти классиклари мундарижаси кўпчиликни ташкил этади. Бироқ бу мундарижадан ўрин олган саноқли ижодкорларнинг асарлари дунё юзини кўрган, дунё адабиётида ҳақиқий этетик ҳодиса бўла олган. Жумладан, икки аср мобайнида Англия детектив адабиётида кўплаб ёзувчилар ижод қилганлар. Бироқ улардан фақат иккитасига Артур Конан Дойл ҳамда Агата Кристиларнинг ижодигина дунё адабиётининг дурдона хазиналари дея эътироф этилган. Бу икки ижодкор яратган изқувар дуэт соҳиблари – Шерлок Холмс

ҳамда доктор Жон Ватсон (К.Х. Дойл), Эркюл Пуаро ҳамда Гастингс (А. Кристи) образлари бутун дунё китобхонларининг юксак эътирофларига сазовор бўлган.

Ўзбек адабиётида эса жарай анча кечикиб бошлаган. Ягона сабаблардан бири совет иттифоқининг ўрнатган тузуми, мафкурасининг сиёсий тазйиқи дея эътироф этиладики, уларнинг фикрига кўра, ўзлари яратган „жаннатий жамиятда" ҳеч қандай ўғри, каллакесар, мафия сардори, бир сўз билан айтганда жамият кушандалари йўқ эди. Бу гапларнинг ёлғонлигини ўзлари ҳам одамлар ҳам сезиб турар, аммо у жамият-да бир нарса бор эди: у ҳам бўлса рост қаерда бошланадию, ёлғон қаерда тугайди. Ваҳоланки, аслида ўзлари қилган ва қила-ётган ишларининг ўзи жиноят, ўз манфа-атларини жамият, инсоният манфаатидан устун қўйиш, инсониятни ўз изида маж-буран, зулм остида бошқаришнинг ўзи бир жиноят эди. Афсуски, ўтмиш жамиятимиз ўз иллатларини тан олишдан қочдилар. Оқибатда адабиётни ҳам қолиплаб, истаган жанрларини истеъмолга киритдилар, истама-ганларини эса йўқ. Негаки, ҳеч бир соҳа адабиётчалик ҳаётнинг барча табқаларини

кенг кўламда ёритганча кўрсатиб бера олмайди. Детектив жанрининг аҳвол-руҳияти ҳам айнан шу аснода кечди.

„Собиқ мустабид тузум миллий адабиётлар, детектив йўналишининг тараққиётига иложи борича йўл бермай келди. Даҳшатли шафқатсиз фожеаларнинг „ҳур" жамиятда „йўқ" лигини адабиётнинг „қулоғига" тинимсиз қуйиб, зўр бериб уқтириб турди. Онда-сонда битилган фош этувчан асарлар сиёсат зуғумига учрар, социализм қолипига лойиқлар сал-пал ардоқланар эди. Ҳаттоки, улкан мамлакатнинг етакчи халқ-руслар прозаси бу борадаги ташаббусни кўпроқ инқилоб, уруш, тежамкорлик, разведка, шпионлик тарихи фонида овутмоққа, шўро милициясининг кафолатланган ғолиблигини тараннум этмоққа маҳкум қилинган эди".[4]

60-йиллар миллий адабиётимизнинг детектив жанрида жуда кўп изланишлар юзага келган. Қалам-кам адиблар мафия, жиноят олами мавзусида қалам тебратишлар, ёзганлари ҳам минг хавотир чангалида яшашарди. Бунинг яққол мисолларидан бири 60-йилларда яратилган

---

[4] Т. Шермуродов. Жозиб изҳор излаб. Т.: А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти. 2009 й, 123-бет.

Искандар Қаландаровнинг „Шоҳидамас, бариданда“ қиссасининг адабиёт уммонидан улоқтириб ташланганлиги катта авлод ижодкорлари ва адабиётшунос олимлар учун сир эмас. Қиссанинг бу ҳолга тушиши унинг бадиийтининг бўшлигидан, бирёқламалик, жанр талабларига жавоб бера олмаслигидан эмас, балки, ёзувчи Искандар Қаландаров „жаннатий жамият“га „ёт“ иллатларни — ўғрликлар, котилликлар, сохта ҳужжат тайёрлашлар, номусга тегишлар, порахўрликларни ёлгондан тўқиганликда айбланади. Асосан қалбаки ҳужжатлар, ҳайдовчилик гувоҳномаларини тайёрловчи ва сотиш каби ноқонуний ишлар билан шуғулланадиган бир гуруҳ жиноятчиларнинг кингир ишлари, бунинг оқибатида қанчадан-қанча автоҳалокатлар, бегуноҳ инсонларнинг умрига золим бўлганларни фош килувчи қисса. Тўғри асар бадиият жиҳатидан анча бўш. Масалан, китобнинг 46-бетидаги „Бахтсиз ҳодиса“ сарлавҳаси остидаги боб воқеалари деярли қуруқ тасвирларда баён этилган. Бадиий асар, аниқроғи, қисса талабларига мутлақо жавоб бермайди. Китобни қисса эмас, балки суд очерки деб атасак ҳам инсофдан бўлади. Чунки юқорида айтганимиздек, воқеалар қуруқ

баён ва ғализ бадиий тасвирлардан иборат. Аммо асарда жиноятчилик кескин қораланган, одамларни бу йўлдан юрмасликка чақирув ҳам йўқ эмас. Қисса она шу тарздаги ҳолис танқидга эмас, балки муаллифи кучли тазйиққа учраган.

Бундан ташқари Ўлмас Умарбековнинг 1973 йилда ёзилган «Ёз ёмғири», «Фотима ва Зуҳра» асарлари ҳам жанр талабларига тўлақонли жавоб бера оладиган миллий детективимизнинг намуналаридан биридир. Бугунги адабий жараёнимизда Нуриддин Исмоилов, Ориф Фармон, Хуроз Абдусаматов, Улуғбек Урунов, Набижон Ҳошимов каби ижодкорларимиз ҳам бу жанрда салмоқли ижод қилмоқдалар. Бироқ бу ижодкорларнинг яратган намуналари детектив талаблари тугул, жанр, бадиият талабларига жавоб бера олмайди. Ибтидоий жиноятларнинг ибтидоий ечими дея бу ижодкорларимизнинг асарларига мана шундай ягона бир таъриф беришгина мумкин холос.

Детектив адабиёти миллий адабиётимиз учун деярли янги жанр ҳисобланишининг боиси ҳа анъаналар камлиги, қолаверса, яқин ўтмишдаги социализм

адабиётнинг бу мавзуга у қадар ён бос-
маганлиги ҳисобига. Гарчи бугунги адабиёт
тарафимизда ушбу жанрда кўп сонли
мақолий, аниқроғи тижорий, сариқ матбу-
отларда детектив қисса ва ҳикоялар
жуда катта тиражларда чоп этилгани
билан жанр ва бадиият талабларига
жавоб бермаслиги билан ҳам биз учун
янги ҳисобланади. Абдулла Қаҳҳорнинг
„Китоб шавқ билан ўқилиши керак" деган
пурмаъно гапи бор. Минг афсуслар билан
айтганимизда ўзбек детектив адабиётида
шавқ билан ўқиладиган асарлар деярли
йўқ ҳисоб. Фақатгина „Шайтанат"нинг
ўзи билан (гарчи бадиий қиммати жиҳати-
дан мукаммал асар бўлсада) ўзбек детектив
адабиётининг мундарижасини кўрсатиб бера
олмаслигимиз табиий ҳол албатта. Лекин
шуни алоҳида таъкидлашни истардимки,
бугунги кун ўзбек детективи жаҳоний детек-
тивдан фарқли ўлароқ, (яъни изқуварлик
мавзусидан) қалаванинг учини топишни
асосий планга қўйишдан кўра инсоннинг
рангин руҳиятидаги турфа кечинмаларни
ўзида акс эттиришни афзал кўрмоқда.
Мисол учун ёш ижодкорлардан Улуғбек
Уруновнинг „Тунг қиздан салом" қиссаси

~~қиссаси~~ ҳам фикримизнинг исботи саналади. Алишер Ибодиновнинг „Латофат дўконидаги қотил", Абдунаби Ҳамроннинг „Йиртқич", Саид Равшаннинг „Чордоқдан отилган ўқ" каби асарлари ҳам миллий детективимиз-нинг сара намуналари дея оламиз. Бироқ биз бугунги ишимизда миллий детективи-мизнинг тараққиёт тенденциялари ҳақида эмас, балки детектив асарларда, хусусан бу жанрнинг ўзбек адабиётидаги етакчи ижодкорларидан бири, бу йўсиндаги анъана-ларни бошлаб берган ёзувчи Тоҳир Малик-нинг детектив асарларидаги давр ва инсон руҳиятининг ўзига хос талқинлари ҳақида, хусусан бу борада истеъдодли ёзувчининг „Шайтанат" қиссасидаги образлар руҳияти ҳақида бақадри имконият сўз юритмоқчимиз.

Ёзувчининг янги даврнинг айрича нафо-сига эга бўлган детектив асарлари бугунги кун китобхонларининг қалбидан чуқур ўрин олган. Қолаверса жанр талабларига ҳам етарли даражада жавоб берувчи асарлар ўзининг юксак бадиий қимматига эга. Агар жиддий эътибор қаратадиган бўлсак Тоҳир Маликнинг детектив асарларидаги энг оддий ва салбий ҳисобланган қаҳ-рамонларга ҳеч бир вақт ёмон кўз ва

нафрат нигоҳлари билан қарамаймиз. У ўғри, жиноятчи ҳаттоки қаллоксар бўлишига қарамай китобхон беихтиёр ўша қаҳрамонлар билан биргаликда азият чекади, унга чин дилдан ачинади. Чунки ёзувчи асарларида инсоннинг ранглин руҳияти ва ундаги интиқликларни ҳаққоний ва бадиий тарзда гўзал тасвирлай олган. Жиноят оламининг бадиий талқинига берган эътиборида ёзувчи қаҳрамонлари (яъни жиноятчилар) нинг руҳий оламларини ҳам тасвирлашда ҳаққонийликка ёндашган ва буни ўзининг икки жумла ибратли сўз билан „Ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди", дея исботлаган.

„Менинг „Шайтанат" даги мақсадим жиноятчилар, котилликлар тафсилотини этишдан иборат эмас. Аслида жиноятчилар ҳам барчага ўхшаган одамлар бўлганини, жамиятдаги носоғлом муҳит, оқибатсизлик уларни қай даражада ўзгартириб юборишини кўрсатишга интилганман.

Ҳеч бир она фарзандини жиноятчи, қотил қилиб туғмайди. Ҳар бир чақалоқ оналарнинг вужудига таърифсиз ором бериб дунёга келади. Ана шундай ширин бўлиб дунёга келган гўдакдан тарбият,

муҳит, афсуски, ҳар хил одамни етиштира-ди. Аммаддий ботил, ўғри ҳам дастлаб бир мунис онанинг атойиб орзуси, ҳар бир хонадоннинг нури уйнинг юлдузи бўлади. „Шайтанат" да қаҳрамонларнинг таржимаи ҳолига батафсилроқ ўрин беришимдан мурод-им ҳам жиноятнинг илдизига ўқувчилар эътиборини қаратиш бўлган".[5]

Жиноятнинг келиб чиқиш омиллари ҳисобланмиш адолатсизлик, ёшларга бетаъ-сир муҳитнинг ижобий таъсирларининг бониси, биринчи хатоларни кечирмаслик, ёхуд ота-оналар томонидан фарзандлари-га берилмаган эътибор натижасида келиб чиққан жиноятларни тасвирлайди. Ўғри ва ботилларнинг бир вақтлар яхши инсон бўлганликлари, яхши ота-оналарнинг фарзанди эканлигини, бироқ шафқатсиз давр ва шид-датли умрнинг оқимларида лойқа ўзанлар-га чизиб ботишнинг бонсини изоҳлайди. Уларнинг ҳам ўз хатоларини тушуниб етаётганликлари, бироқ бир умрлик тамға ва ўрганган кўнгил туфайли бу бедаво иллатдан қутула олмаганларининг сабаблар-ини кўрсатади. Ана шундан кейин шубҳа-сиз қалби тош одамда ҳам умр оқими-

---

[5] Тоҳир Малик. Танланган асарлар, 7- жилд. Т.: Шарқ НМАК 2008. 203- бет.

да адашганларга нисбатан шафқат уйғотади, уларни тўғри йўлга бошлашга лаёқат пайдо бўлади. Қолаверса, айрим бепарво ота-оналар ўз фарзандлари назоратини ҳам оширадилар. Мана, жиноят оламининг бадиий очиб берилиши, унинг хатти-ҳаракатлари, гап сўзларини психологик жиҳатдан асосланиши тушунилади ва мазкур вазифани амалга оширишга хизмат қилувчи қатор усул воситаларини ўз ичига олади. Ёзувчи персонаж руҳиятини бевосита ёки билвосита тасвирлаб бериши мумкин. Персонаж ўй-кечинмалари, хис-туйғуларининг „ички монолог", „онг ости" тарзида ёки муаллиф тилидан (ўзиники бўлмаган автор гапи) баён қилиниши психологик тасвирнинг бевосита шакли ҳисобланади.

Асарда персонаж руҳиятининг унинг хатти-ҳаракатлари, юз-кўз ифодалари, ундаги физиологик ўзгаришларни кузатиш орқали очиб берилиши билвосита психологик тасвирдир. Руҳий тасвирнинг бу икки кўриниши бир-бирини тўлдиради, шу боис ҳам муайян персонаж руҳиятини тасвирлашда ёзувчи буларнинг ҳар иккаласидан ҳам унумли фойдаланади. Шунингдек, персонаж руҳиятини очишда ёзувчи табиат тасвиридан ёки бирор нарса образидан фойдаланиши мумкин бўлади.

„Шайтанат" асарида давр руҳиятининг бадиий тасвири.

Агар эътибор қаратадиган бўлсак деярли барча асарларда давр муаммолари инсон муаммолари билан ҳамоҳанг тарзда гавдаланади. Инсон фожеасига кўпинча давр фожеаси ҳам сабаб бўлади. Чунки, ўша фожеага йўлиққан инсон маълум бир даврнинг, жамиятдаги нохуш эврилишларнинг қурбони бўлади. Лекин кўп ҳолларда ҳам инсон фожеасига давр фожеаси сабаб бўлавермайди. Ҳар бир ижодкорнинг яратган асарида қаҳрамонлар руҳиятини очиб бериши билан бир қаторда давр руҳиятини ҳам бадиий акс эттиради.

„Шайтанат"ни ёзишда мен ўзимни қийнаган муаммоларга жавоб топишга ҳаракат қилганман. Ёзувчининг вазифаси нимадан иборат? Жамиятни кузатиш, таҳлил этиш, юзага чиқаётган муаммоларни ҳал этишда қатнашиш эмасми? Ўтмиш жамиятнинг хасталикларидан бири – жиноят олами эди. Мен ўша хасталикларнинг бир заррасинигина қаламга олганман. Жиноят олами, яъни шайтонлар ятовидаги оламнинг нақадар қабиҳ эканлигини одамлар ўз кўзлари билан

кўриб ёки эшитиб юрган эдилар. Мен шулардан айримларини танлаб, қоғозга туширдим холос. Бу воқеаларни ёзишдан асосий мақсадим – одамларни огоҳлантириш эди: „Одамлар, кўриб қўйинглар, бефарқ юрманглар, сиз билан бизнинг ёнимизда кўзга кўринмас, аммо ваҳший бир олам бор, ундан ўзингиз ҳам эҳтиёт бўлинг, айниқса, фарзандларингизни асранг, токи бу оламга банди бўлиб қолишмасин. Бу оламнинг биттагина эшиги бор. Кирдингми, тамом, ўз ойинг билан чиқишинг маҳол, кафансиз кетишинг аниқроқ...“ – демоқчи бўлганман“.[1]

Жиноятнинг кўпайиши ва бевосита носоғлом муҳитнинг жамиятдаги адолатсизликларнинг, носоғлом жамиятнинг таъсирида юзага келади. Буюк рус ёзувчиси Достоевскийнинг „Жиноят ва жазо“ романи қаҳрамонини Роскольниковни олайлик. Унинг давридаги жамиятдаги одамларнинг энг катта фожеаларидан бири лоқайдлик эди, бой табақа вакилининг камбағалларга нисбатан паст назар билан қараши кучайган эди. Роскольниковнинг қийинчиликлари атрофдагиларни қизиқтирмасди, унга ёрдам қўлини чўзадиган одамнинг ўзи йўқ эди. Муаммолар гирдобидаги одамларга нисбатан бошқалар

---

[1] Тоҳир Малик. Танланган асарлар. 7-жилд. „Энг кичик жиноят.“ Т.: Шарқ НМАК. 2008 йил. 208-209-бетлар.

бефарқ эдилар. Ана шундан кейин жон бу ёш студент алғазандай назариясни ўйлаб чиқиб судхўр кампирни ўлдиради. Жиноят бевосита мана шу муаммолар туфайли юзага келади.

„Шайтанат" асаридаги жиноят олами вакилларининг кўпчилигини жиноятчилар, безорилар тўдаси эмас, балки аламзадалар тўдаси, дейиш тўғрироқ бўлади назаримизда. Чунки янги йил кечаси, онаси туғруқхонага кетган, ука кутиш, у туғилгандан сўнг у билан ўйнаш, укалик бўлиш орзулари билан турган болани кўз олдида ўз отасини қамоққа олиб кетадилар. Маъсум ва бегубор қалб соҳиби бир ёш бола отасининг гуноҳсизлигини сезиб турса, қандоқ ишонади отасининг гуноҳкорлигига. Демак ўша одамларни душман деб билади. Ёш Асадбек „Уларни ўлдираман!..." дейди. Ана шу кундан бошлаб ёш боланинг қалбида ғаразлик, қасос уруғлари униб ура бошлайди.

„ – Уларни ўлдираман!...

Титроқ, йиғи аралаш овозда айтилган бу сўзни эшитиб, Жамил қўрқиб кетди. Кўчада жанжаллашиб қолишганда „қараб тур, ўлдираман сени" деб кўп марта айтишган. Ўлдириш қанақа бўлишини билишмас,

шу боис ҳам бу рўпарадан чўчимас эди. Аммо Асадбекнинг лабидан учган ҳозирги сўзлар... Булар рўпара эмас, амалга ошиши ҳақ бўлган жуки эди..." [2]

Жамият одамларидаги адолатсизлик ўша кундан бошланди. Мустабид тузумнинг қулоқ қилиш, халқ ичидан чиққан маърифатпарварларни йўқ қилиш компанияси авж олган, бегуноҳларнинг қони тўкилаётган паллалар эди.

Лоқайдлик тағин давом этди. Асадбекнинг оиласига „халқ душманининг оиласи" дея қўшниларнинг, ўртоқларининг ва ҳатто қариндошларининг ҳам эътибори камайди, уларнинг уйидан одамларнинг изалари узилди. Ана шу кундан бошлаб Асадбекка ўзгача тавсир қилди.

„1949 йилнинг 31 декабри Асадбекка „„ҳаёт бешафқат, ҳаёт нақ урушнинг ўзи, отзингни очиб лаллайганинг – ўлганинг", деган ҳақиқатни ойдин қилиб берган эди. Ўша куни у урушга кирган эди". [3]

Алихонтўра Соғунийнинг бир гапи бор. „Агар ўзбеклар ошга бирлашгандай бирлашганларида эди, аллақачон эркка эришган

---

2. Тоҳир Малик. „Шайтанат" биринчи китоб. Т.: Шарқ НМАК. 2006 йил. 24-бет.
3. Ўша асар. 24-бет.

бўлар эдилар". Асардаги давр фожеаларидан бири лоқайдлик ва ўз миллатдошларига нисбатан бепарволик эди.

Собиқ шўро тузумининг халқимиз устидан ўтказган мунофиқларча сиёсати миллатимизни узоқ йиллар эркдан, озодликдан маҳрум этди. Шу сабабдан ҳам халқимиз маърифатга, маданиятга кеч етишди. Ўз халқини маърифатга етаклаганларни бир-бир осдилар. Аслида улар бу ишни бошладилар, қолганларини бизнинг содда аволимиз давом эттириб бердилар. Асадбекнинг отасини отиб кетганлар руслар эмасди. Балки уларнинг этовидаги биз лоқайд халқимиз ушлаб берганлар. Ёзувчи ушбу образлар орқали ўша давр фожеаларини бадиий акс эттириб берган.

„Шайтанат" асарида образлар рухияти.

„Шайтанат"нинг муаллифи эса ўз қиссасини дадил бошлаб, қодирийона оҳангда шундай ёзади: „Ҳаёт – турфа ранг. Кўзни яшнатиб, дилга қувват бергувчи чиройли ранглар ҳам, кўнгилни вайрон қилгучи қора ранг ҳам бор. Аввалари қора рангни ишлатишга бир томондан ижозат, иккинчи томондан журъат йўқ эди... Замон берган эркинликдан фойдаланиб, турмушимизнинг қора кўчаларига киришга жазм этдим".

Мухтасар ушбу мулоҳаза - муқояса-лардан мурод „Шайтанат"ни жаҳон детектив дурдоналари сафига қўшиб қўймоқ, улардан устун ҳисоблаш ниятида эмас. Балки уни каттакон ва шиддат-ли адабий тўлқин силсиласида тасаввур қилиб кўриш, ютуқларини таъминлаган мужим омилларни, сифатини идрокламоқ, холос.

„Шайтанат" – санъаткорона кон-топил-диқ. У - катта-кичик махфия тўдаси ёки алоҳида жиноятлар дунёсинигина эмас, булардан фарқли одатий муҳит-даги турфа иллат, турфа қилмиш-

ларни, яхши-ёмон деганимиз бандалар адашувлари сабабияти ва зиддиятининг нозикликларини қамраб англата олгувчи тушунча. Саргузашти кўламлашгани, саҳифалари интиҳога илгарилагани сайин асар ўз муҳлисларига сарлавҳа матнини қойилмақом ифодалата боради. Детективда сюжет кескин кечажаклигини, қизиқ-қалтис вазиятлар бисёр бўлажагини биладиган нозикдидларга асардаги майин ифода даставвал ғалати кўринса, ажабмас. Инсон шаънига доғ-иллат ва бандани ақидадан оздиргувчи бўлса, илло, исломият айнан шулардан қайтаргувчи, огоҳлантиргувчидир. „Шайтанат" қиссалари китоблари муқаддималарининг ўзига хос табиати кўнгилларимизга гўёки улуғ алломаларимиз ҳамду наътлар билан бошлаган битиклар таровватини олиб киради. Уч китоб мобайнида „Шайтанат" майдонлари ўзларининг адиб томонидан бағоят эҳтиромланаётганини ҳислаб, кайфиятлари кўтарилади.

Шайтоний васвасаларни ўз ичига олган ҳодисалар гирдоби тасвирига носир исломий руҳ, характер ва эпизодларни аллақандай нуқсга мақсадда атайлаб

киритмайди. Чала сюжетда ҳам Асадбек умри ва асадбеклар муҳити тадрижи бош ғоявий-бадиий мўлжал экани боис бош қадрият тасвирига доир тармоқчалар вақти-вақти билан ўша асосий йўналишга туташади.

„Оятал курси" ни ёд ололмай, иккита кичик сура билан тирикчилик қилади" ган Қаримуллага Асадбекнинг тоқати йўқ. Чунки чаламулла мутаваллининг тамагирлигини, омонатга хиёнатини Асад сезган. Айни пайтда Қаримулла — беор ва манфаат йўлида „қора пашша", Асадбекдан у-бу ундиришга келиб, ниятига эришади. Ҳар қандай инсон мураккаб. Инчунун бу иккаласи ҳам. Аммо шу воқеаларда ўқувчи ваҳшатли куч сардори — Асадбек мавқеини маъқуллайди.

Асадбек — Собитхон алоқасида киши олдинига (илк қисмида) улардан қай бирини ёқлашни билолмай туради. Икковидан ҳам қандайдир хатоликлар ўтаётганлиги фаҳмланади. Муносабатнинг давоми қизиқтиради. Сюжетнинг бу тармоқчаси тараққиёти (иккинчи китоб) ҳаётий, ибратли ва таъсирли бўлиб,

имони шахснинг маънан ғолиблигидан нишона беради. Собитхон қори Ҳарим-улладан афзал – унинг тескариси. Халқ орасида обрўйи баланд, илми кучли. Миллатпарвар ва ватанпарвар Собитхон имомлик қиладиган масжидга номозхонлар сиғмай кетади. Унинг „ҳаром пулларга қурилайтган масжидда мен намоз ўқимайман" деган янгиши гапи Асадни ғазабга келтирган, „Олифта имомча"ни бир эгиб қўяй деса, халқдан чўчиган. „Худо имомлар орасида инсоф ва имон бобида басаломат бўлган Собитхонни ўз паноҳига олиб, Асадбек қаҳрининг тўлиб-тошишига йўл қўймади".

Бадиий рўй-ростлик ҳамиша мушкул, ҳамиша беаёв. Бу ўлчовга ёзувчи воқеа, дунёқараш, қисматлар тақо-сими тасвиринигина эмас, ўз туйғу, туғён, эҳтиросларини ҳам аямай бўйсундиришга мажбур. Марказий образ манфур тўда бошлиғи бўлса-да, яширишнинг ҳожати йўқ, ёзувчининг унга нисбатан пинҳона меҳри муомала-муносабати, рағбат-насиҳати бор. Ҳеч характер монтиқнинг, ирода йўналиши-

нинг табиий оғир адиб хайрихоҳлигининг ошкора товланишига изн бермайди. Жасрий муваффақият учун, энг аввало, она шулар керак эди. Шунинг натижасида ўлароқ Асадбекка ачиниш, унга ҳайрли кўникиш, баъзи масалаларда уни ёқтирувчи ҳисси китобхонга юқади. Чинакам руҳият кўринишига тугал ишонтира олмоқнинг нақадар сирли санъат эканлиги шунда билинади.

Масалан, бирор банданинг иккинчи банда дилига ҳидоят бағишлашга ноқодирлиги ҳақиқати Асадбек мисолида шубҳа-гумонларга ўрин қолдирмайди. Муслима, Манзура эрининг масжид қурдираётганидан ғоятда хурсанд. Шунга қарамай, Асадбекнинг феълида имоний ўзгариш кўрмайди, хафаланади. Манзура эрининг олдида ҳадеб худони тилга олишидан ҳадиксирайди. Чунки Асадбек бундай деган: „Худодан қўрқиб бўлганман. Худо менга аталган ёмонликни бериб бўлган. Мен ёмон эканманми, бунга Худонинг ўзи айбдор. Мен ҳам одамларга ўхшаб ота-онамнинг бағрида яшаганимда бунақа бўлмасдим. Меҳрга зор ҳолда ўстириб, энди мендан меҳр

талаб қиладими?"

Асадбекни ҳеч ким — на иши чуқур Собитхон, на чапани дўсти Жалил, на хотини, художўй Манзура, на хорижлик доктор Худоёр... на ёзувчи ҳидоятга келтира олади.

Тақвога эндигина киришган Жалил қадрдони Асадбекни иймонга келтиришга, фарз амалларни бажаришга дангалига даъватлаб кўради.

Шайтанат гирдобида яхшилар, иймонлилар нима қилиб юрибди, деган таажжубланиш, шубҳасиз, китобхонда рўй бермайди. Иймонлилар қиссага тасодифан ташриф буюрмагани каби даъватлаш ҳам муаллиф тўқиб чиқарган уйдирма эмасдир. Асадбекка айтилмиш панд-маслаҳатлар „деярли беҳуда кетади", деганимиз бир қадар нисбий хулоса эса-да, айнан шу хусусиятнинг унга жиддий ҳаққоният бағишлагани баҳоят рост. „Шайтанат" ровийсининг бандаги инон-ихтиёри рамзи аталмиш олтин қонунда эмас, балки бутунлай ўзида бўлганида, эҳтимол бош қаҳрамонининг диёнатини дарҳол бутлаб қўйган бўлар эди. Не ажабки, турмушда кимнингдир ҳидоят-

лаш, иймонни тавфиққа келтириш бандасининг қўлида бўлмаганидек, бадиият ичидаги тимсол маънавиятини истаган кезда поклаб ё ўнглаб юбориш ҳам ёзувчининг имконидаги осон иш эмас экан.

Асадбек ҳаётда ҳаракатдаги инсон, адабиётда ҳаракатдаги қаҳрамон у ёки бу томонга ўзгармасдан қолмайди. Унинг хулқ-атворининг йўналишидан кутганимиз бурилишлар кутмаганимиз сабабларга кўра юз беради. Ўткинчи тирикликда ҳар нечук баракот – синов, ҳар нечук мусибат – синов. Ҳамма нарса – имтиҳон. Имтиҳонлар айни вақтда ақидани танишга, иймонни мустаҳкамлашга чорлов ҳамдир. Синов – муносабатларнинг Асадбек жуда кўпини кўради. Худди шу ҳодиса-ю ҳолатлар тузалишининг туб омиллари бўлиб, характерга ҳаётийликни муҳрлаган далиллар бўлиб юзага чиқади. Асадбекнинг барча аҳволотини тартибан кетма-кет ва такроран тасаввур этилса, тадриж чизиғининг донишмона ва санъаткорона белгиланганлиги яққолроқ фаҳмланади. Буни жоний қаҳрамонда ҳидоятга мойилликнинг туғилиш ҳамда шаклланиш

завқи-азоби, дея таъбирламоқ, балки ўрин-ли бўлар. Қуйида мазкур узундан-узоқ жараён тасвиридан айрим мисолларни-гина кўчириб, ич-ичдан кечаётган ўз-гариш лаҳзаларини қиёсан кузатайлик:

„Худодан қўрқиб бўлганман... Мен ёмон жонманми, бунга Худонинг ўзи айбдор"; „... агар берган бойликларинг жазига тинч-лигимни олган бўлсанг, мени гадо қил, аммо болаларимнинг бахтини бер, бир кеча тинчгина ухлай"; „... отасига жаннат-дан жой тайин этиш учун жаноза ўқиб қўйиш, албатта, зарур, деган қарор-га келди"; „Мен... намоз ўқимасам ҳам, Худодан қўрқадиган инсонман..."; „Намоз-хонлар турса — турди, рукуга борса, руку қилди, саждага бош қўйишганда у ҳам жойнамозга бош қўйди"...

„Шайтанат" муаллифининг шаърий диққатгоҳи тасвирнинг барча-барча жабҳа-сини қамраб олади. Ҳеч бир воқеа, ҳеч бир қисмат, ҳеч қайси кечинма, муло-ҳаза, хотима-ечим бу нуқтаи назардан четда қолмайди.

„Шайтанат" дай кечаги куннинг ҳуравон ва сертахлика муҳитини ёрит-увчи қиссада вазмин-андишали оҳанг-

ни, қизиқарли саргузашт – кечинмалар тизимини қуйма тарзда яратиш учун ибрат берган миллий адабий мактаб ҳам бор. Асар услуби бу ҳолни пинҳон сақламайди: Қодирий тажрибасидан нечоғлик баҳрамандлигини аён қилиб туради. Қиссадаги Зайнаб ўйлари, унинг Узими хусусидаги қалб можаролари, Қумушни бўлмоқни орзулаши, қисматида Қодирий Зайнабига ўхшаш-ноўхшаш жиҳатлар кўплиги, қиз тасвиротида услубнинг қодирийнамолашуви ижодий таъсирнинг моҳирона аломатларидир. Айни таққос-ифодани шартли равишда ибратланишнинг зоҳирий шакли деб қабулламоқ маъқул.

„Шайтанат" – серқирра сюжетли йирикан миллий қисса. Каттаю кичик талашиб мутолаа этаётган бестселлер. Унинг таҳлил – тадқиқотга асослар бергувчи, баҳс-мунозара қўзғатувчи хусусиятлари анчагина. Асар пафосини юксалтирган аниқ сифатлардан бири эса безовта адиб услубидир, тушунтириш манерасидир.

„Шайтанат" ўзбек детектив адабиётидаги янгичалиги билангина эмас, мазкур фазилатлари орқали эндиги нас-

ишиз диққатини ҳидоятли ифодаларга чорлаши билан ҳам эътиборга лойиқдир.

## Хулосалар

Азал- азалдан башариятни юксак фазл, фасоҳат ва фатонатли қилиб тарбиялаш, унинг қувваи ҳофизасини, дунёқарашини ўстириш асосида маънан комилликка етаклаш, инсонга ўзлигини танитиб, унинг бу умр гузаронда яшашдан асл мақсади нима эканлигини англата чуқур таамнул қилишга ундаш каби эзгу мақсад йўлида хизмат қилаётган илму адабнинг бу каби фазилати барчага аён бўлган ҳақиқатлардан биридир. Қолаверса, инсон қалбига қулоқ тутиб, ундаги турфа инжаликлар тадқиқи, қалбни аҳлоқан поклаш масаласи ҳам бу борадаги эзгу ғояларнинг давомидир.

Руҳият муаммосини тадқиқ этиш нафақат адабиётшуносликнинг, балки руҳшунослик, эстетика, тиббиёт фанларининг ҳам долзарб масала ва муаммоларидан биридир. Инсон руҳиятини бутун мураккаблиги, зиддияти, кўзга кўринмас, яширин жиҳатлари билан кўламли жиҳатда таҳлил этиш эса жуда қийин муаммолардан биридир. Буни биз юқорида, рисоламизнинг биринчи қисмида таъкидлаб ўтдик. Лекин ҳеч бир соҳа инсон руҳияти инжаликларини адабиёт чили қадар кашф

эта олмайди. Бу борада истеъдодли адабиётшунос олим Умарали Норматов шундай деган: „Инсон ва унинг табиати, қалби, руҳияти ҳақиқатини кашф этишда ҳеч бир соҳа адабиёт билан тенглаша олмайди, унинг ўрнини босолмайди."[1]

Адабиётшунослигимизда руҳият масаласи, қолаверса Тоҳир Малик ижоди хусусида бир қатор ишлар амалга оширилган, кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилган. Бироқ Тоҳир Малик ижодидаги, хусусан унинг детектив асарларидаги руҳият масаласи у қадар ўрганилмаганди. Айни шу жиҳатлари илмий ишимизнинг долзарблигини белгилаб беради.

Детектив жанрда яратилган асарлар сюжетини фақатгина жиноят олами, изқуварларнинг фавқулодда беназир хулоса чиқариш санъатлари билан очган жиноятлари, жиноятчиларнинг ўз бошларидан ўтказган саргузаштларини сўзлаб берувчи қора воқеалар, ривожи, ур-йиқитлардан иборат эмаслигини биз „Шайтанат" асари мисолида кўриб чиқдик. Бу ҳолатларни биз асардаги Асадбек, Элчин, Анвар, Чувринди, Зайнаб, Замонхон кабиларнинг тақдирида, руҳий эврилиш-

[1] Норматов У. Умидбахш тамойиллар. Т.: Маънавият 2000 йил. 98-бет.

лар тасвирларида кўрдик. Ёзувчи жиноят олами вакилларининг руҳият тасвирлари орқали уларнинг бу оламга ўз-ўзидан кириб қолмаганликлари, носоғлом муҳитнинг таъсири бунга сабаб бўлганлигини кўрсатиш баробарида, жиноятчиларнинг ҳам одам эканларини, уларни бу йўлдан қайтариш мумкинлигини бир сўз билан: „Ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди", дея исботлаган.

„Шайтанат" да Тоҳир Малик қаҳрамонларнинг руҳий олами билан ҳатти-ҳаракати ўртасидаги мантиқий боғлиқликни топишга ҳаракат қилган ва бунга эришган ҳам. „Шайтанат" қиссасидаги тақдири бирибирига ўхшамаган, қиёфаси-ю феъл атвори, дунёқарашлари тубдан фарқ қилувчи шайтанат, жиноят оламининг вакиллари гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона ўзаро кураш олиб борадилар. Ҳатто олайзадалик туфайли бешафқатлик кучасига кирган Асадбек вақти-вақти билан энг оддий инсон, ойниса, ҳасталикка чалинганида эса ожиз банда сифатида намоён бўлади. Ёзувчи образ яратишда турли тасвирий воситалардан, психологик таҳлил санъати имкониятларидан фойдаланган. Ёзувчи ҳар бир образнинг энг нозик қирраларини топа билади.

Тадқиқотнинг мавзуси янги, талаба мавзуни режа асосида ёритган. Назарий маълумотларни ҳаётдан асосан олинган мисоллар билан таҳлилга тортган. Талаба мавзуни пухта ва мукаммал ўрганиб чиққан, адабиётлардан унумли фойдаланган. Айрим ўринларда имловий хатоларга йўл қўйган, лекин бу тадқиқотнинг умумий мазмунига таъсир этмаган. Хулоса қилиб айтганда иш курс иши талабларига тўлиқ жавоб беради. уни 86 балл билан баҳолаш мумкин.

Илмий раҳбар: В. Ахмедова [signature]

Йиғилиш раиси Г. Шермуҳамедов.

# Адабиётлар рўйхати


1. И. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият 2008 йил.
2. Улуғбек Ҳамдам. Янгиланиш эҳтиёжи. Т.: „Фан", 2007 йил.
3. Улуғбек Ҳамдам. Бадиий тафаккур тадрижи. Т.: „Янги аср авлоди". 2002 йил.
4. Д. Қуронов, З. Мамажонов, М. Шералиева. Адабиётшунослик луғати. Т.: Академнашр, 2010 йил.
5. Т. Шермуродов. Жозиб изҳор излаб. Т.: А. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти. 2009 йил.
6. Т. Малик. Танланган асарлар, 7-жилд. Т.: Шарқ НМАК 2008 йил
7. Т. Малик „Шайтанат" 1-китоб. 2006 йил
8. Д. Қуронов. Адабиётшуносликка кириш. Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2004 йил.
9. Тўхта Бобоев. Адабиётшунослик асослари. Т.: Ўзбекистон. 2002 йил.
10. Н. Ҳотамов, Б. Саримсоқов. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. Т.: Ўқитувчи. 1983 йил.